

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛБОЕВ ЭЛЁРЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ**

**ТРИКОТАЖ МАХСУЛОТЛАРИ УЧУН МУРАККАБ ТУЗИЛИШЛИ**  
**ТЎҚИМАЛАРНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Холбоев Элёржон Бахромжонович**

Трикотаж махсулотлари учун мураккаб тузилишли

тўқималарни яратиш ..... 3

**Холбоев Элёржон Бахромжонович**

Разработка сложных структур переплетений для трикотажных изделий ... 23

**Kholboyev Elyorjon Bakhromjonovich**

Creation of complex knitting structures for knitting products ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 46**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛБОВ ЭЛЁРЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ**

**ТРИКОТАЖ МАХСУЛОТЛАРИ УЧУН МУРАККАБ ТУЗИЛИШЛИ**  
**ТЎҚИМАЛАРНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т1848 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ханҳаджаева Нилуфар Рахимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Набиева Ирода Абдусаматовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдурахмонов Абдурашид**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» сентябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (144-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «7» сентябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «7» сентябрдаги 144-рақамли реестр баённомаси).

**Ҳ.Х.Камилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси в.б., т.ф.д., профессор

**А.З.Маматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Х.А.Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик саноатида трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Маҳсулотлар ассортиментининг турлари кенгаймоқда ҳамда уларга қўйилаётган талаб ҳам жадал суръатларда ошиб бормоқда. Юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар олинишининг зарурлиги ҳамда трикотаж маҳсулотларининг сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. «Дунё миқёсида тўқимачилик бозорининг ўсиши 2022 йилдан 2030 йилгача йиллик 4,0% га ўсиши ва Global Textile Market Size & Share Report, 2022-2030 ҳисоботида кўра 2030 йилга бориб 1 420,3 миллиард долларга етишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, бу соҳа илғор технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан тўқимачилик саноати, хусусан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларидан кенг қўламда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мураккаб трикотаж тўқималари тузилишларини олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, трикотаж маҳсулотлари учун мураккаб тузилишли тўқималарни яратиш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу борада, кундалик маиший турмушда ишлатиладиган трикотаж маҳсулотлари билан бирга махсус мақсадларда қўлланиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган тиббий ва техник трикотаж маҳсулотларининг технологик жараёнлари, кўрсаткичлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда тўқимачилик саноатини модернизациялаш, маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлаш, сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, техник тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда тўқимачилик соҳаларининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, хомашёдан унумли фойдаланиб, янги ассортиментдаги трикотаж маҳсулотлари учун мураккаб тузилишли тўқималар яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон

<sup>1</sup> <https://www.grandviewresearch.com › industry-analysis>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

«Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тўқималарнинг хусусиятларини тадқиқ этиш билан ҳорижда D.Spencer (Англия), Corbman (Ҳиндистон), А.С. Далидович, И.И. Шалов, Л.И. Кудрявин, В.Н. Гарбарук, В.Н. Викторов, И.Г. Цитович (Россия) шуғулланишган. Трикотаж тўқимасининг структуравий элементлари, трикотаж тузилиши ва физик-механик хусусиятларига оид илмий изланишлар Б.С. Окс, В.М. Лазаренко, В.А. Заваруев, О.Н. Марисова, В.А. Зиновьева, А.А.Нешатаев, томонидан ўтказилган.

Республикамизда трикотаж технологияси, хомашё таркибини трикотаж тўқимаси хусусиятларига таъсири, иссиқлик сақлаш хусусияти юқори тўқималар, икки қатламли трикотаж тўқималари бўйича тадқиқотлар М.М. Муқимов, Б.Ф.Мирусмонов, Н.Р.Ханхаджаева, Қ.М.Холиқов, К.З.Юнусов, Г.Х.Гуляева ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотларда ишлаб чиқилган тикотаж тўқима тузилишлари ишлаб чиқаришда муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо уларни асосан техник мақсадларда қўллаш, техник трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 11/2022 « “Замон-текс” МЧЖ учун техник трикотаж полотноларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** трикотаж машиналарининг технологик имкониятларидан келиб чиқиб, трикотаж маҳсулотлари учун мураккаб тузилишли тўқималарни яратиш ва тадқиқ қилиш, уларнинг қўлланиш кўламини кенгайтириш ва асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мураккаб трикотаж тўқималарини олишнинг шу кундаги мавжуд технологияларини таҳлил қилиш;

икки игнадонли трикотаж машинасида тракибига нақш элементлари киритилган мураккаб трикотаж тўқимасини олиш жараёнини ишлаб чиқиш;

янги мураккаб трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

яратилган мураккаб трикотаж хусусиятларини тадқиқ этиш, ўзгариш қонуниятларини ишлаб чиқиш ва асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бир ва икки игнадонли трикотаж тўқув машиналари, мураккаб тузилишли нақшли трикотаж тўқималари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** трикотаж тўқималари ва ишлаб чиқариш жараёнлари, трикотаж тўқима ассортиментлари, янги тузилишдаги мураккаб нақшли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари тадқиқи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, тўқима раппорт такрорланишининг хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш, экспериментларни математик режалаштириш ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таркибига турли индексли пресс ярим ҳалқалари киритилган янги раппортдаги мураккаб трикотаж тўқима тузилишлари яратилган;

сифат кўрсаткичларини эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиб турли индексли пресс трикотаж тўқималарининг энг аҳамиятли кўрсаткичлари аниқланган;

таркибига ҳалқа кўчириш элементлари киритилган янги мураккаб трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларининг регрессион боғланишлар олинган;

тажриба натижаларини қайта ишлаш натижасида ҳалқа қадами, ҳалқа ипи узунлиги, қалинлик омилларининг ҳажм зичлиги ва узилиш кучига ўзаро боғланишлари аниқланган, таркибига кўшимча элементлар киритилган ҳолда мураккаб трикотаж олиш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

трикотаж машиналарида бир ва икки индексли пресс ҳамда мураккаб трикотаж тўқималарини олиш жараёни ишлаб чиқилган;

диссертация ишида тавсия қилинган тўқималарнинг корхона шароитида намуналари олинган, технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини аниқланган, техник трикотаж сифатида тавсия қилиш учун кимёвий ишлов берилган ва гидрофоб (сув итарувчан) хусусиятга эга тўқима вариантлари ишлаб чиқаришга тавсия қилинган ва ресурс сарфи камайиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган мураккаб трикотаж тўқималари синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хом ашё сарфи кам, сифат кўрсаткичлари

юқори бўлган мураккаб нақшли трикотаж тўқималарини янги тузилишини олиш жараёнини ишлаб чиқиш, трикотаж тузилишининг технологик кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига таъсир этиш қонуниятларини аниқлаш, янги рапортларни тавсия қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти техник трикотаж сифатида тавсия қилиш учун кимёвий ишлов берилган ва гидрофоб (сув итарувчан) хусусиятга эга тўқима вариантлари ишлаб чиқаришга тавсия қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Трикотаж машиналарида янги тузилишдаги мураккаб нақшли трикотаж тўқималарини олиш жараёнини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

1 ва 2 индексли пресс трикотаж тўқималарини олиш жараёни “Flatnit Textile” МЧЖ корхонасига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил 25 майдаги № 03/25-1547 сон маълумотномаси). Натижада сифат кўрсаткичларини яхшилаш, хом ашё сарфини 10% гача камайтиришга эришилган ва корхоналарда ички ва ташқи бозорга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилган;

янги мураккаб нақшли трикотаж тўқималарини олиш жараёни “Flatnit Textile” МЧЖ корхонасига жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил 25 майдаги № 03/25-1547 сон маълумотномаси). Натижада тўқима тузилишига қўшимча нақш элементларини киритиш ҳисобига мураккаб нақшли трикотаж тўқимасининг кўрсаткичларини, хусусан, хомшаё сарфи бўйича ҳажм зичлигини 28% гача ва деформацион хусусиятларини 22% гача ўзгартириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Икки игнадонли трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобда адабиёт манбааларининг таҳлили ёритилган бўлиб, унда тўқимачилик саноатининг бугунги ҳолати, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда турли хом ашёлардан самарали фойдаланиш, ҳамда мураккаб трикотаж тўқималарини тузилиши ва олиш усуллари каби масалаларга эътибор қаратилган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили натижалари асосида трикотаж машиналарининг технологик имкониятларидан кенгроқ фойдаланиб, мураккаб нақшли трикотаж тўқималарининг янги тузилишлари ва олиш усуллари ишлаб чиқиш, уни илмий асослаш масалалари диссертация ишининг вазифаси этиб белгиланган.


Диссертациянинг «**Нақш самарасига эга мураккаб тузилишли тўқималар ишлаб чиқариш технологияси**» деб номланган иккинчи бобда нақш самарасига эга мураккаб тузилишли тўқималарнинг таркибий элементлари, уларни ишлаб чиқариш усуллари тадқиқ этилган, 1 ва 2 индексли пресс трикотаж тўқималари, мураккаб трикотаж тўқималарини нақш патронлари, тузилиш ва график ёзувлари, ишлаб чиқариш жараёни келтирилган. Ясси фанг машиналарида ҳалқа ҳосил қилиш системаларини турли ишлар билан тахтлаш, игнадонда турли позицияли игналарни жойлаштириш ва кўтарувчи клинларни уч ёки тўрт ҳолатига (ишчи, пресси, ярим пресси ва ўчирилган) ўрнатиш билан керакли натижаларга эришилади. Айрим машиналарда кўтарувчи клинлар ҳолатини ўзгартириш махсус механизмлар ёрдамида иш ҳолатида амалга оширилади.

Ушбу илмий тадқиқот ишини бажариш жараёнида ООО «FLATNIT TEXTILE» корхонаси шароитида тўқув цехида ўрнатилган LONG XING русумли икки игнадонли тўқув машинасида экспериментлар олиб борилди.


Таҳлил қилиниб, ўрганилаётган мураккаб тузилишга эга бўлган трикотаж тўқимаси тузилишларини олиш учун замонавий янги авлод ясси фанг машиналари компьютер билан жиҳозланган бўлиб, тегишли дастурлар асосида ишлайди. Бу каби дастурлар трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини жуда кенг очиб беради.

Ушбу илмий-тадқиқот ишида ясси фанг тўқув машинасининг технологик имконияти ўрганилиб, янги нақшли пресс трикотаж тўқимаси тузилишлари яратилди. Даставвал пресс тўқимасининг нақш патронлари яратилди (1-расм). Яратилган нақш патронларига мос равишда пресс тўқимасининг график ёзувлари яратилиб, улар 1 ва 2 индексли пресс учун мўлжалланган.


1-вариантда умумий раппорт 288 халқадан иборат бўлиб, 40 пресс наброскалари жойлаштирилган 13,9 % ни ташкил қилади. 2- вариантда умумий раппорт 288 халқадан иборат бўлиб, 49 пресс наброскалари жойлаштирилган 17 % ни ташкил қилади. 3- вариантда умумий раппорт 504 халқадан иборат бўлиб, 40 пресс наброскалари жойлаштирилган 7,9 % ни ташкил қилади.




Пресс тўқимасининг 1 ва 5 вариантлари учун нақш патрони



Пресс тўқимасининг 2 ва 6 вариантлари учун нақш патрони





Пресс тўқимасининг 3 ва 7 вариантлари учун нақш патрони



Пресс тўқимасининг 4 ва 8 вариантлари учун нақш патрони

**1-расм. Пресс тўқимасининг вариантлари учун нақш патрони**



**2-расм.1-намуна тузилиши ва график ёзуви**

4- вариантда умумий раппорт 504 халқадан иборат бўлиб, 49 пресс наброскалари жойлаштирилган 9,7 % ни ташкил қилади. 5-вариантда умумий раппорт 432 халқадан иборат бўлиб, 80 пресс наброскалари жойлаштирилган 18,5 % ни ташкил қилади. 6- вариантда умумий раппорт 432 халқадан иборат бўлиб, 98 пресс наброскалари жойлаштирилган 22,7 % ни ташкил қилади. 7-

вариантда умумий раппорт 756 халқадан иборат бўлиб, 80 пресс наброскалари жойлаштирилган 10,5 % ни ташкил қилади. 8- вариантда умумий раппорт 756 халқадан иборат бўлиб, 98 пресс наброскалари жойлаштирилган 13 % ни ташкил қилади.

Ушбу илмий-тадқиқот ишида ясси фанг тўқув машинасининг технологик имконияти ўрганилиб, янги мураккаб нақшли трикотаж тўқимаси тузилишлари яратилди. Даставвал мураккаб нақшли трикотаж тўқимасининг нақш патронлари яратилди. Сўнгра патронга мос равишда тўқима тузилишлари, график ёзувлари тайёрланди. Мураккаб трикотаж тўқимасида нақш самарасига эришиш ва эксплуатацион хусусиятини яхшилаш мақсадида йиғирилган пахта ипи, акрил ипи ҳамда полиэстер ипларидан фойдаланилган. Мураккаб тузилишдаги 4 хил янги трикотаж тўқимаси намуналари 3 хил хомашё туридан ишлаб чиқарилди. 1-намуна тузилиши ва график ёзуви 2-расмда келтирилган.

Тақдим этилган мураккаб нақш самарали трикотаж тўқима намуналаридан устки трикотаж маҳсулотлари билан бирга махсус мақсадларда қўлланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган.

Диссертациянинг **«Мураккаб тузилишли тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва хусусиятларини таҳқиқ қилиш»** деб номланган учинчи боби нақшли трикотаж тўқималарининг асосий ва ҳосила тўқималар асосида уларга қўшимча элементлар киритиш йўли орқали ёки ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш йўли билан янги хусусиятларга эга бўлган трикотаж тўқималарини олишга бағишланган. Ясси фанг тўқув машинасининг технологик имконияти ўрганилиб, 1 ва 2 индексли пресс трикотаж тўқималари тузилишлари яратилди. Корхона шароитида олинган трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари ўрганилди. Кўрсаткичлар ва хусусиятлар экспериментал йўл билан аниқланди. Трикотаж тўқималарининг экспериментал йўл билан аниқланган технологик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган. Трикотаж намуналарининг барчаси 35/2 ПАН ипларидан фойдаланиб, битта машинада бир хил шароитда МЧЖ “FLATNIT TEXTILE” корхонасида ишлаб чиқилди.

Жадвалдаги маълумотларда эксперимент натижалари келтирилган бўлиб, 1-4 вариантлар юқорида келтирилган нақш патрони асосида олинган 1 индексли прес трикотаж тўқимаси намуналари, 5-8 вариантлар эса худди шу нақш патрони асосида олинган 2 индексли пресс трикотаж тўқимаси намуналаридир. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, юза зичлиги 456,6 г/м<sup>2</sup> дан 483,5 гр/м<sup>2</sup> гача ўзгарган, 5,5 % ни ташкил қилади. Ҳажм зичлиги 190 дан 211,1 гача ўзгарган, бу 10% ни ташкил қилади (3-4-расм). Юза зичлигининг 5,5% ўзгариши ҳажм зичлигининг 10 % ўзгаришига олиб келган. Юза зичлиги тўқиманинг эни ва бўйини ҳисобга олса, ҳажм зичлиги тўқиманинг эни ва бўйи билан бирга қалинлигини ҳам инобатга олувчи кўрсаткич. Шунинг учун ҳажм зичлигининг камайиши хомашё сарфини камайганини кўрсатади.

1-жадвал


1 ва 2 индексли пресс тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари

Вариантлар	Пресс халқалари миқдори, %	Халқа қадами, А (mm)	Халқа катори баландлиги, В (mm)	Горизонтал бўйича зичлик, R <sub>г</sub>	Вертикал бўйича зичлик, R <sub>в</sub>	Халқа ипи узунлиги, L (mm)	Юза зичлиги, Ms, г/м <sup>2</sup>	Қалинлик, М (mm)	Ҳажм зичлиги, δ, мг/см <sup>3</sup>
1	13,9	1,1	1	45	50	3,2	456,6	2,11	198,5
2	17	1,4	1,1	35	45	3,1	460,7	2,62	204,8
3	7,9	1,6	1,4	31	35	3	476,2	2,73	211,1
4	9,7	1,4	1,3	35	38	3,2	465,8	2,97	198,0
5	18,5	1	1	35	35	5,6	475,4	2,45	194,0
6	22,7	1,25	1,42	40	35	5,5	483,5	2,4	201,4
7	10,5	1,25	1,15	40	40	5,6	475,0	2,5	190,0
8	13	1,25	1,25	40	40	5,5	475,3	2,5	190,1


2-жадвал

Мураккаб трикотаж тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари

Вариантлар	Тўқимадаги ип таркиби	Халқа қадами А, мм	Халқа катори баландлиги В, мм	Горизонтал бўйича зичлик R <sub>г</sub> , та	Вертикал бўйича зичлик R <sub>в</sub> , та	Халқа ипи узунлиги, L(мм)	Юза зичлиги мгр (г/м)	Қалинлик, М(мм)	Ҳажм зичлиги б(мг/см <sup>3</sup> )
1.1.	50/50 пахта+ПАН 20тексх2	1,6	0,97	30	51,1	5,92	590,3	2,0	302,7
1.2.		1,6	1,58	30	35,5	11,1	562,7	2,2	255,8
1.3.		1,56	1,2	31	43	6,73	502,2	1,8	279,0
1.4.		1,62	1,2	30	42,5	5,8	527,4	1,6	329,6
2.1.	100% ПАН 50тексх2	1,61	1,33	32,5	41,5	5,08	480,5	2,0	240,3
2.2.		2,45	1,25	22,5	42,5	5,13	517,1	2,3	229,8
2.3.		1,68	1,075	29	47	4,98	463,5	2,1	220,7
2.4.		1,58	1,19	30,5	47	5,35	543,8	1,9	286,2
3.1.	100% Полиэстер 167dtex	1,52	0,7	32	76	3,82	466,2	1,0	466,2
3.2.		2,45	1,64	22,5	50,5	4,16	486,2	1,2	405,2
3.3.		1,3	1,2	41,5	58	4,07	438,5	1,1	398,6
3.4.		2,02	1,3	47	51,5	5,59	488,5	1,6	305,3



3-расм. 1 ва 2 индексли пресс трикотажа вариантлари бўйича юза зичлиги,  $M_s, \text{г/м}^2$  ўзгариши диаграммаси




4-расм. 1 ва 2 индексли пресс трикотажа вариантлари ҳажм зичлиги,  $\delta, \text{мг/см}^3$  ўзгариши диаграммаси.

Яратилган янги нақшли пресс трикотажа тўқималарни ҳомашё сарфи камайтирилган ресурстежамкор тўқималар туркумига киритиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишида ясси фанг тўқув машинасининг технологик имкониятлари ўрганилиб, янги мураккаб тузилишдаги тўқима вариантлари яратилди ва ишлаб чиқилди (2-жадвал).


Яратилган янги тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини таҳлил қилинди.

ТТЕСИ қошидаги “CENTEXUZ” сертификация лабораториясида ўрнатилган замонавий асбоблардан фойдаланиб янги яратилган тўқималарнинг физик-механик хусусиятларини экспериментал йўл билан таҳлил қилинди.


Олинган намуналарнинг қийматларини таҳлил қилинадиган бўлса, тадқиқот ўтказилганда бўйига ва энига узилиш кучи 1 индексли пресс трикотажа тўқимаси учун 5-расмда келтирилган. Бўйига узилиш кучи 438-501 N ни ташкил қилса, энига узилиш кучи 216-234,1 N ни ташкил қилади. Бўйига 31 %, энига 12,4% чегарасида ўзгаради. 2 индексли пресс трикотажа тўқимаси учун бўйига ва энига узилиш кучи 6-расмда келтирилган. Бўйига узилиш кучи 406,3-592 N ни ташкил қилса, энига узилиш кучи 240-274,1 N ни ташкил қилади. Бўйига 12,4%, энига 7,7 % чегарасида ўзгаради.




5-расм. 1 индексли пресс трикотажа вариантлари бўйича узилиш кучи P, N (бўйига ва энига) ўзгариши диаграммаси



6-расм. 2 индексли пресс трикотажа вариантлари бўйича узилиш кучи P, N (бўйига ва энига) ўзгариши диаграммаси



**7-расм. 1 индексли пресс трикотаж вариантлари бўйича узилишдаги чўзилиш L, % (бўйига ва энига) ўзгариши диаграммаси**



**8-расм. 2 индексли пресс трикотаж вариантлари бўйича узилишдаги чўзилиш L, % (бўйига ва энига) ўзгариши диаграммаси**


Узилишдаги чўзилиш тадқиқоти натижалари шунини кўрсатадики, бўйига чўзилиш 1 индексли пресс трикотаж тўқимаси учун солиштирилганда 39-46%, энига чўзилиш 114-118% ни ташкил қилгани кузатилади (7-расм). Бўйига 15%, энига 3,4 % чегарасида ўзгаради. Бўйига чўзилиш 2 индексли пресс трикотаж тўқимаси учун солиштирилганда 44-48%, энига чўзилиш 119-121% ни ташкил қилгани кузатилади (8-расм). Бўйига 8,3%, энига 1,6 % чегарасида ўзгаради.

Тўқималарнинг физик-механик хусусиятлари таҳлили натижалари шунини кўрсатадики, тўқима таркибига киритилган нақш элементлари уни хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Барча кўрсаткичларни энига ва бўйига маълум бир томонга ўзгартириш у ёки бу хусусиятини кучайтириши ёки пасайтириши мумкин. Бу ҳолатдан мақсадли фойдаланиш тўқима турларини қандай мақсадларда қўлланилишига боғлиқ. Шунини инобатга олиш керакки, хусусиятлар ўзгаришига қараб, тўқималарни махсус мақсадларда техник трикотаж маҳсулотлари учун ҳам тавсия қилиш мумкин.


Шунингдек, яратилган мураккаб трикотаж тўқималарининг ҳам физик-механик хусусиятлари тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижаларининг 2-жадвалда келтирилган қийматларига кўра яратилган янги тўқималарининг деформацион хусусиятларини қуйидагича изохлаш мумкин. Намуналар ўзаро бир-бирига нисбатан солиштирилса, бўйига қайтар деформация 62-100%, энига қайтар деформация 66-100% ни ташкил этади (9-10-расм).

Тўқима намуналарининг энига бўлган деформация кўрсаткичлари таҳлил қилинса, бу ҳолда қайтар деформациянинг энига бўлган кўрсаткичлари бирмунча стабил ҳолатга эга бўлиб, тўқима таркибига киритилган кўшимча ҳалқаларни кўчириш элементлари уни ҳалқа қаторлари бўйлаб мувозанат ҳолатини эгаллашига имкон беради.

Намуналар ўзаро бир-бирига нисбатан солиштирилса, бўйига қайтмас деформация 0-38%, энига қайтмас деформация 0-44% ни ташкил этади. Тўқима намуналарининг энига бўлган деформация кўрсаткичлари таҳлил қилинса, бу ҳолда қайтмас деформациянинг энига бўлган кўрсаткичлари бирмунча стабил ҳолатга эга бўлиб, тўқима таркибига киритилган кўшимча ажур ҳалқаси




9-расм. Қайтар ва қайтмас деформация бўйига ўзгариш диаграммаси



10-расм. Қайтар ва қайтмас деформация энига ўзгариш диаграммаси


элементлари уни ҳалка каторлари бўйлаб мувозанат ҳолатини эгаллашига имкон беради.

11-расмда намуналарнинг вақт бирлигида юк таъсирида чўзилиши ва юксиз қисқариш графиклари (а- ип, б-мураккаб трикотажд бўйига) келтирилган. Ипларнинг чўзилиш ва қисқариш графикларидан кўриниб турибдики, улар орасида энг юқори кўрсаткич ПЭ ипига, энг паст кўрсаткич пахта ипига тўғри



Вакт, min (0-60 юк осилган, 60-120 юк  
 --- ПЭ ечилган) хлопок --- ПАН

а



Вакт, min (0-60 юк осилган, 60-120 юк ечилган)  
 --- ПЭ --- хлопок --- ПАН

б

**11-расм. Намуналарнинг вақт бирлигида юк таъсирида чўзилиши ва юксиз қисқариши: а- ип, б-мураккаб трикотаж бўйига**

келади. Мураккаб трикотаж тўқималарини вақт бирлиги ичида бўйига чўзилиш ва қисқариш графикларини таҳлил қилинса, улар орасида энг юқори кўрсаткич пахта ипига, энг паст кўрсаткич ПАН ипига тўғри келади. Трикотаж тўқимасидаги деформацион ўзгариш хомашё тури билан бирга унинг тузилишига ҳам боғлиқ. Трикотаж тўқимаси таркибига қанча кўп қўшимча элементлар (наброскалар, протяжкалар, узайтирилган ёйлар, кўчирилган ҳалқалар) киритилса, бўйига ва энига бўлган деформацион хусусиятлар шунчалик ўзгарувчан бўлади.

Ушбу илмий-тадқиқот ишида 12 та вариант янги трикотаж тўқималари яратилган бўлиб, уларнинг барчаси мураккаб тузилишга эга тўқималардир. Бу мураккаб трикотаж тўқима вариантлари тиббиётда, техник мақсадларда қўллашга мўлжалланган бўлгани учун айнан шу хусусиятга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилди ва регрессия тенгламалари олинди.

Яратилган янги трикотаж тўқималарининг тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш ва тегишли кўрсаткичларни олдиндан прогнозлаш мақсадида кирувчи ва чиқувчи омиллар танлаб олинди. Бундай қайта ишлаш иккита ҳолат учун амалга оширилди. Кирувчи омиллар сифатида ҳалқа қадами А, ҳалқа ипи узунлиги L ва қалинлик M танлаб олинди. Улар учун иккита параллель тажриба натижалари 3 ва 4 жадвалларда келтирилди. Биринчи ҳолат А ҳолат деб белгиланиб, чиқувчи параметр сифатида  $\sigma$  ҳажм зичлиги олинди. Иккинчи ҳолат В ҳолат деб белгиланиб, чиқувчи параметр сифатида  $P_p(N)$  узилиш кучи (энига) олинди. Бу ҳолатлар учун тадқиқотни режалаштириш матрицаси тузилди ва жадвалга киритилди (5-6-жадваллар). Шу жадвалларда ўртача қийматлар ва оғиш қийматлари, дисперсия ҳам келирилган.

Кирувчи омиллар сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

1. Ҳалқа қадами А , 2. Ҳалқа ипи узунлиги L, 3. Қалинлик M

**3-жадвал**

**Биринчи параллел тажриба режаси ( $p = 1$ )**

№	Номи	Xmin	Xmax	$x_0$	$\Delta x$
1	Ҳалқа қадами А	1,3	2,45	1.875	0.575
2	Ҳалқа ипи узунлиги L	3,82	7,1	5.46	1.64
3	Қалинлик	1,0	2,3	1.65	0.65

## 4-жадвал

Иккинчи параллел тажриба режаси ( $p = 2$ )

№	Номи	Xmin	Xmax	$x_0$	$\Delta x$
1	Халқа қадами А	1,4	2,3	1.85	0.85
2	Халқа ипи узунлиги L	6,9	7,1	7.0	0.1
3	Қалинлик	1,2	2,3	1.75	0.55

Омилларнинг ўрта  $x_0$  ва оралик  $\Delta x$  қийматлари мос равишда ушбу формулалар билан ҳисобланди  $x_0 = (x_{\max} + x_{\min})/2$ ,  $\Delta x = (x_{\max} - x_{\min})/2$

1. А ҳолат. Чикувчи параметр  $\sigma$  ҳажм зичлиги.

Ҳажм зичлиги тажриба натижаси ва унинг мезонлар асосида статистик ишлови қуйидаги тартибда олиб борилади.

## 5-жадвал

## Тадқиқотни режалаштириш матрицаси: ҳажм зичлиги

№	Омиллар оралиғи			Трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлиги $y_{ij}$					
				Оғиш					
	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	$y_{i1}$	$y_{i2}$	$y_u$	$S_u^2$	$\hat{y}_u$	$R_u(\%)$
1	-	-	-	431	442	436.5	60.5	439.15	0.607
2	+	-	-	387	392	389.5	12.5	392.15	0.680
3	-	+	-	458	451	454.5	24.5	451.85	0.583
4	+	+	-	414	406	410	32	407.35	0.646
5	-	-	+	489	483	486	18	488.65	0.545
6	+	-	+	445	440	442.5	12.5	445.15	0.598
7	-	+	+	446.7	439.7	442.8	29.6	440.2	0.598
8	+	+	+	471.7	465	468.3	22.44	465.7	0.566

2. В ҳолат. Чикувчи параметр  $P_p(N)$  узилиш кучи (энига).

Узилиш кучи тажриба натижаси ва унинг мезонлар асосида статистик ишлови қуйидаги тартибда олиб борилади.

## 6-жадвал

## Тадқиқотни режалаштириш матрицаси: Узилиш кучи (энига)

№	Омиллар оралиғи			Узилиш кучи (энига) $y_{ij}$					
				Оғиш					
	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	$y_{i1}$	$y_{i2}$	$y_u$	$S_u^2$	$\hat{y}_u$	$R_u(\%)$
1	-	-	-	439	433	436	18	436.25	0.57
2	+	-	-	511	497	504	98	510.25	1.24
3	-	+	-	472	479	475.5	24.5	472.25	0.68
4	+	+	-	546	553	549.5	24.5	546.25	0.59
5	-	-	+	471	463	467	32	467	0
6	+	-	+	544	551	547.5	24.5	541	1.18
7	-	+	+	504	496	500	32	503	0.6
8	+	+	+	577	570	573.5	24.5	577	0.61

Регрессия тенгламасидан амалда фойдаланиш учун ҳар хил чиқувчи параметр  $\bar{y}$  қийматлари  $\bar{y} = F(X_1, X_2, X_3) = const$  фазовий сиртни тузиш ва унинг ёрдамида жавоб  $\bar{y}$  функциянинг максимум ва минимумга эришадиган нуқталарини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай масалани ечиш одатда оптималлаштириш масласига олиб келади. Оптималлаштириш масаласи мураккаб бўлиб, уни ечиш учун бир нечта усуллар қўллаш мумкин. Технологияда бундай масалалар алоҳида аҳамият касб этади, лекин унинг бевосита ечимини олиш катта қийинчиликлар туғдиради. Шу муносабат билан одатда  $\bar{y} = F(X_1, X_2, X_3) = const$  юзанинг, ўзгариш диапозони кичик бўлган кириш омилининг ўзгармас қийматларида ҳосил бўладиган эгри чизиқлардан фойдаланилади. Иккала ҳолат учун геометрик тасвирлардан амалда фойдаланиши усулини кўрсатамиз

1. А ҳолат. Бу ҳолат учун кириш омили биринчи омил  $X_1$  ни танлаб олса бўлади. Шу муносабат билан  $\bar{y} = F(X_1, X_2, X_3) = \bar{y}_0 = const$  сиртни биринчи омилнинг  $-1 < X_1 < 1$  ораликдаги фиксирланган  $X_1 = X_{10} = const$  ҳар хил қийматларида  $(X_2, X_3)$  текислигида тенгламаси  $X_3 = f(X_2, X_{10}, \bar{y}_0)$  бўлган графикларини оламиз. Чиқиш параметри  $\bar{y}_0$  нинг ҳар хил қийматлари графикларда 12-13-расмларда келтирилган.



Графиклар ёрдамида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

$X_3=1$  да (12-расм, а) яъни биринчи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $409 < y_0 < 435.327$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида биринчи  $X_1$  ва иккинчи  $X_2$  омилларда берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниши керак бўлади. Маслан  $y_0=435.327$  учун (12-расм, а)  $-1 < X_1 < -0.8$  да  $0.4 < X_2 < 1$  ораликда, яъни халқа қадамини камайиши ва халқа узунлигини ошириш билан хажм зичлигини ошишига олиб келади.

$X_2=1$  да (12-расм, б), яъни иккинчи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $420 < y_0 < 456$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида биринчи  $X_1$  ва учинчичи  $X_3$  омилларда берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниши керак бўлади. Масалан  $y_0=456.585$  учун (12-расм, б)  $0.6 < X_1 < 1$  да  $-1 < X_3 < -0.8$  ораликда, яъни халқа қадамини ошириш ва қалинлигини камайиши билан хажм зичлигини ошишига олиб келади.

$X_1=1$  да (12-расм, в) яъни биринчичи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $438 < y_0 < 471$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида иккинчи  $X_2$  ва учинчичи  $X_3$  омилларда берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниши керак бўлади. Маслан  $y_0=471.524$  учун (12-расм, в)  $0.6 < X_2 < 1$  да  $0.6 < X_3 < 1$  ораликда, яъни халқанинг узунлиги ошириш ва қалинлигини ошириш билан хажм зичлигини ошишига олиб келади. 12-расмдан хулоса қилиб хажм зичлигини ошириш кирувчи параметрларнинг кодлаштирилган қийматлардаги ораликларида таққослаб максимум қийматига биринчи омилнинг максимал қийматида  $X_1=1$

ва иккинчи, учинчи омиллارнинг  $0.6 < X_2 < 1$  да  $0.6 < X_3 < 1$  ораликларида эришади.




12-расм. Учинчи омил  $X_3$  (халқа ипи узунлиги)нинг биринчи омил  $X_1 = 1$  (халқа қадамнинг иккала параллел тажрибаларда олинган максимал қийматларининг ўртачаси) бўлганда чиқиш параметри  $\bar{y} = \bar{y}_0$  (ҳажм зичлиги) нинг ҳар хил қийматларида иккинчи омил  $X_2$  (қалинлик) билан боғлиқлик графиклари

2. В ҳолат учун графиклар ёрдамида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

$X_3=1$  да (13-расм, а), яъни учинчи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $479 < y_0 < 452$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида биринчи  $X_1$  ва иккинчи  $X_2$  омиллarda берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниши керак бўлади. Масалан  $y_0=435.327$  учун (13-расм, а)  $0.8 < X_1 < 1$  да  $0.6 < X_2 < 1$  ораликда яъни халқа қадамини ошиши ва халқа узунлигини ошиши билан узилиш кучи ошишига олиб келади.

$X_2=1$  да (13-расм, б) яъни иккинчи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $483 < y_0 < 553$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида биринчи  $X_1$  ва учинчичи  $X_3$  омилларда берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниси керак бўлади. Масалан  $y_0=456.585$  учун (13-расм, б)  $0.8 < X_1 < 1$  да  $0.8 < X_3 < 1$  ораликда яъни халқа қадамини ошиши ва қалинлигини ошиши билан узилиш кучи ошишига олиб келади.



**13-расм. Учунинчи омил  $X_3$  (қалинлик)нинг биринчи омил  $X_1 = 1$  (халқа қадамнинг иккала параллел тажрибаларда олинган максимал қийматларининг ўртачаси) бўлганда чиқиш параметри  $\bar{y} = \bar{y}_0$  (узилиш кучи) нинг ҳар хил қийматларида иккинчи омил  $X_2$  ( халқа ипи узунлиги ) билан боғлиқлик графиклари**

$X_1=1$  да (13-расм, в) яъни биринчи омил максимал қийматни қабул қилганда чиқиш параметри  $525 < y_0 < 561$  ораликдаги қийматларни қабул қилиши мумкин ва унинг фиксирланган қийматларида иккинчи  $X_2$  ва учинчичи  $X_3$

омилларда берилганда омилнинг қиймати графикдан олиниси керак бўлади. Масалан  $y_0=471.524$  учун (13-расм, в)  $0.8 < X_2 < 1$  да  $0.6 < X_3 < 1$  ораликда яъни халқанинг узунлиги ошиши ва қалинлигини ошиши билан узилиш кучи ошишига олиб келади. 13-расмдан хулоса қилиб узилиш кучи ошиши кирувчи параметрларнинг кодлаштирилган қийматлардаги ораликларида таққослаб максимум қийматига биринчи омилнинг максимал қийматида  $X_1=1$  ва иккинчи, учинчи омилларнинг  $0.6 < X_2 < 1$  да  $0.6 < X_3 < 1$  ораликларида эришади.

Тадқиқотларни давом эттириб, диссертация ишида тавсия қилинган мураккаб трикотажд тўқималарини техник мақсадларда қўллаш имконини аниқлаш учун мато намуналарига гидрофоблик, яъни сув итарувчанлик хоссаси бериш учун кимёвий ишлов берилди. Силикат асосидаги аппретлар билан гидрофоб хосса берилган намуналарнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олинган таҳлил натижалари асосидаги гидрофоб хоссаси келтирилган (7-жадвал).

Ишлов берилган намуналарга томизилган сув томчиси 24 соат давомида (герметик беркитилган ҳолатда) матога шимилмаганлиги уларнинг гидрофоб хоссага эга бўлганликларидан далолат беради. Демак, турли структурадаги трикотаж полотноларига силикат асосидаги аппретлар билан ишлов бериш орқали гидрофоб хоссага эга бўлган, шунингдек ҳаво ўтказувчанлиги сақланган, ранг туси ўзгармаган, физик-механик хоссалари сақланиб қолган, баъзи вариантларда эса бирмунча яхшиланган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш мумкин.

**7-жадвал**

**Матонинг гидрофоб хоссаси**

Намуналар	Сув шимувчанлик, соат	
	оқартирилган трикотаж намунаси	гидрофоблик хосса берилган трикотаж намунаси
1 В	0	24
2 В	0	24
3 В	0	24
4 В	0	24
5 В	0	24
6 В	0	24

Янги яратилган ва тавсия этилган трикотаж намуналарининг кутилаётган иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 1 ва 2 икки индексли пресс трикотаж тўқималаридан фойдаланиш ҳисобига трикотажнинг  $1000\text{м}^2$  дан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 571000 сўмни ташкил этади; трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мураккаб трикотаж тўқималаридан фойдаланиш ҳисобига трикотажнинг  $1000\text{м}^2$  дан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 2 700 000сўмни ташкил этади (2021йил нархларида).

## ХУЛОСА

1. Ўрганилган адабий манбаалар, муаллифлик гувоҳномалари, интернет тармоқларидан олинган янгиликлардан маълум бўлдики мураккаб трикотаж тўқима раппорти ўзгаришини унинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсири бўйича яна бир қатор илмий изланишлар олиб борилиши керак. Жумладан, трикотаж тўқимасини қўллаш соҳасини кенгайтириш муҳим масалалардан биридир.

2. Мураккаб трикотаж тўқималарининг турлари ва олиш усуллари ўрганилди. Тузилиши ўзгартирилган, физик - механик хусусияти яхшилانган нақш самарали мураккаб трикотаж тўқималарининг 12 хил варианты яратилди ва олиш технологияси ишлаб чиқилди. Мураккаб трикотаж тўқимасини эксплуатацион хусусиятини яхшилаш мақсадида йигирилган пахта ипи, акрил ипи, ҳамда полиэстер ипларидан фойдаланилган, технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари аниқланган ва таҳлил қилинган.

3. Технологик кўрсаткичлар тадқиқи натижаларидан маълум бўлдики, трикотаж тўқимасининг қалинлиги ва юза зичлиги ўзгариши маълум қонуниятга бўйсунди, бунда юза зичлиги  $466,2 - 590,3 \text{ г/м}^2$  оралиғида ўзгариши кузатилган. Мураккаб трикотаж тўқимасининг хажмий зичлиги  $229,8 - 466,2 \text{ мг/см}^3$  оралиғида ўзгарди, энг юқори кўрсаткич 5 вариантда ва энг қуйи кўрсаткич 4 вариантда кузатилди.

4. Тақдим этилаётган мураккаб трикотаж тўқимаси намуналарининг бўйи бўйича қайтар деформация улуши  $62\%$  дан  $100\%$  гача бўлган ораликда, эни бўйича қайтар деформация улуши эса  $66\%$  дан  $92\%$  гача бўлган ораликда ўзгарди ва бу тадқиқ этилган мураккаб трикотаж тўқима намуналарини чўзгандан сўнг дастлабки ўлчамига қайта олиш имкони юқорилигидан далолат беради.

5. 1 ва 2 индексли трикотаж тўқималари бўйича синов натижаларини эксперт баҳолаш усулида ҳамда Лаплас мезони билан баҳоланди, 1 ва 6 вариантлар намуналари аҳамиятли кўрсаткичларининг хатолиги меъёردа эканлиги Лаплас мезонида ҳисобланди.

6. Мураккаб трикотаж тўқималари учун тажриба натижаларини статистик қайта ишланди ва регрессия тенгламалари тавсия қилинди. Хусусиятлар бўйича трикотаж тузилиши ва раппорти билан боғлиқ бўлган аппроксимация графиклари олинди

7. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 1 ва 2 икки индексли пресс трикотаж тўқималаридан фойдаланиш ҳисобига трикотажнинг  $1000\text{м}^2$  дан кутилаётган иқтисодий самарадорлик  $571000$  сўмни ташкил этади; трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мураккаб трикотаж тўқималаридан фойдаланиш ҳисобига трикотажнинг  $1000\text{м}^2$  дан кутилаётган иқтисодий самарадорлик  $2\,700\,000$  сўмни ташкил этади (2021 йил нархларида).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ХОЛБОВ ЭЛЁРЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ  
РАЗРАБОТКА СЛОЖНЫХ СТРУКТУР ПЕРЕПЛЕТЕНИЙ ДЛЯ  
ТРИКОТАЖНЫХ ИЗДЕЛИЙ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Т1848.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна**  
доктор технических наук, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Набиева Ирода Абдусаматовна**  
доктор технических наук, профессор  
**Абдурахмонов Абдурашид**  
кандидат технических наук, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «21» сентября 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №144). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «7» сентября 2022 года.

(реестр Протокола рассылки №144 от «7» сентября 2022 года).

**Х.Х.Камилова**

и.о. Председателя Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.З.Маматов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.А.Бабаханова**

Заместитель председателя Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Производство трикотажных изделий занимает одно из ведущих мест в мировой текстильной промышленности. Ассортимент изделий расширяется, а спрос на них стремительно растет. Получать качественную и конкурентоспособную продукцию и в дальнейшем повышать качество трикотажных изделий имеет большое значение. «Учитывая, что мировой рынок текстиля будет расти на 4,0% ежегодно с 2022 по 2030 год и достигнет 1 420,3 млрд долларов к 2030 году, согласно Global Textile Market Size & Share Report за 2022–2030 годы», ожидается, что в отрасли требуется внедрять передовые технологии. В связи с этим важно широкое использование технологий текстильной промышленности, в частности, производства трикотажных изделий.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств получения сложных структур трикотажных переплетений. В этом направлении приоритетными считаются исследования по совершенствованию методов создания переплетений со сложной структурой для трикотажных изделий. В связи с этим особое внимание уделяется обоснованию технологических процессов, показателей и режимов работы медицинских и технических трикотажных изделий сложной структуры специального назначения, применяемых наряду с трикотажными изделиями, используемыми в быту.

В Республике принимаются масштабные меры по модернизации текстильной промышленности, глубокой переработке местного сырья, увеличению производства качественной, конкурентоспособной и экспортноориентированной, импортозамещающей готовой продукции, технических текстильных изделий и достижению определенных результатов.

В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи, в том числе «...увеличить объем промышленного производства в 1,4 раза, увеличить объем производства текстильной продукции в 2 раза, изучить влияние текстильной промышленности на производство во Всемирной торговой организации ...»<sup>2</sup>. При реализации этих задач важно создавать и разрабатывать переплетения со сложной структурой для нового ассортимента трикотажных изделий, эффективно используя сырье.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 12 февраля 2019 года № ПП-4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной

<sup>1</sup> <https://www.grandviewresearch.com › industry-analysis>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

промышленности», Постановлением Правительства Республики Узбекистан от 16 сентября 2019 года № ПП-4453 «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» и др. нормативные правовые документы, относящиеся к данной деятельности.

